



## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУДА ИЧКИ НАЗОРАТ ВА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a21](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a21)

**Ташпулатов Фаррух Бахтиёрович -**  
Тошкент Кимё халқаро университети  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада корпоратив бошқарувда ички назорат ва ички аудитни ташкил этиши тамойиллари назарий жиҳатдан ёритилган бўлиб, унда ички назорат ва ички аудитни амалга ошириш жараённида мавжуд қоидалар билан тартибга солинмаган турли хил вазиятлар, ички назорат ва ички аудит хусусида иқтисодчи олимлар ўртасидаги турли фикрлар, ички назорат тўғрисидаги қоидаларни таҳлил қилиш асосида ички назоратни ташкил этиши тамойиллари ўрганилди. Ички назорат узлуксизлигининг аҳамияти компаниянинг замонавий динамик иқтисодиётда бозордаги мавқеи учун жуда муҳим бўлган ўзгарувчан фаолият шароитлари туфайли бизнес жараёнларини ўз вақтида янгилаш зарурати билан асосланishi тадқиқ этилди.

Назорат тамойилининг вазифаларидан бири ташкилотни фаолиятдаги ўзгаришларга мослаштиришдан иборат бўлиб, кўпинча инновациялар улардан мақбул фойдаланишини таъминлайдиган тегишили ўзгаришлар ўйқулиги сабабли сезиларни ижобий таъсир кўрсатмаслиги илмий асосланган, ички назорат самарадорлигини оширишининг ташкилий-иқтисодий хусусиятларини такомиллаштириши бўйича илмий-назарий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, мақолада ички назорат ва ички аудит тамойиллари назорат функциясининг умумлаштирилган мезонлари, уни ташкил этиши учун батафсил талаблар, ички аудитнинг асосий тамойиллари муваллиф томонидан шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** назорат, ички назорат, ички аудит, корпоратив бошқарув, назорат тамойиллари, назорат амаллари, ҳалоллик, ишга лаёқат ва профессионал муносабат, объективлик ва мустақиллик, хавфга асосланган ёндашув, хатарларни баҳолаш, интеграция ва комплекслик, ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш, жавобгарлик.

## ПРИНЦИПЫ ОРГАНИЗАЦИИ ВНУТРЕННЕГО КОНТРОЛЯ И ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В КОРПОРАТИВНОМ УПРАВЛЕНИИ

**Ташпулатов Фаррух Бахтиярович -**  
научный сотрудник Ташкентского  
международного университета KIMYO

**Аннотация.** В статье теоретически освещены принципы организации внутреннего контроля и внутреннего аудита в корпоративном управлении, в рамках которых были изучены различные ситуации, не урегулированные существующими правилами в процессе внутреннего контроля и внутреннего аудита, принципы организации внутреннего контроля, основанные на анализе различных мнений ученых-экономистов, правила внутреннего контроля. Важность непрерывности внутреннего контроля была исследована для обоснования необходимости своевременного обновления бизнес-процессов в связи с меняющимися условиями эксплуатации, которые имеют решающее значение для положения компании на рынке в современной динамично развивающейся экономике.

Одной из задач принципа контроля является адаптация организации к изменениям в деятельности, и часто разрабатываются научно-теоретические предложения по улучшению организационно-экономических характеристик повышения эффективности внутреннего контроля, научно обосновывающие, что инновации не оказывают существенного положительного эффекта из-за отсутствия соответствующих изменений которые обеспечивают их оптимальное использование. Также в статье обобщены принципы внутреннего контроля и внутреннего аудита, критерии для контрольной функции, подробные требования к ее организации, автором сформулированы основные принципы внутреннего аудита.

**Ключевые слова:** контроль, внутренний контроль, внутренний аудит, корпоративное управление, принципы контроля, методы контроля, добросовестность, возможность трудоустройства и профессиональное отношение, объективность и независимость, подход, основанный на оценке рисков, интеграция и комплексность, распределение полномочий и обязательств, ответственность.

## PRINCIPLES OF ORGANIZATION OF INTERNAL CONTROL AND INTERNAL AUDIT IN CORPORATE GOVERNANCE

**Toshpulatov Farrukh Bakhtiyarovich**  
Researcher at Tashkent International University KIMYO

**Annotation.** The article theoretically highlights the principles of the organization of internal control and internal audit in corporate governance, within the framework of which various situations were studied that were not regulated by existing rules in the process of internal control and internal audit, the principles of the organization of internal control based on the analysis of various opinions of economists, the rules of internal control. The importance of continuity of internal control was investigated to justify the need for timely updating of business processes in connection with changing operating conditions, which are crucial for the company's position in the market in today's dynamically developing economy.

One of the objectives of the control principle is to adapt the organization to changes in activity, and scientific and theoretical proposals are often developed to improve the organizational and economic characteristics of increasing the effectiveness of internal control, scientifically substantiating that innovations do not have a significant positive effect due to the lack of appropriate changes that ensure their optimal use.

The article also summarizes the principles of internal control and internal audit, criteria for the control function, detailed requirements for its organization, the author formulated the basic principles of internal audit

**Keywords:** control, internal control, internal audit, corporate governance, control principles, control methods, integrity, employability and professional attitude, objectivity and independence, risk-based approach, integration and complexity, distribution of powers and obligations, responsibility.

**Кириш.** Ички назорат ва ички аудитни амалга ошириш жараёнида мавжуд қоидалар билан тартибга солинмаган турли хил вазиятлар юзага келиши мумкин. Амалда компаниянинг кўрсатмалари ва стандартларида барча ҳолатларни тартибга солиш мумкин эмас, аммо маълум бир операцияни амалга оширишда субъект ишониши мумкин бўлган тамойилларни шакллантириш мумкин. Шунга ўхшаш тамойиллар ички назорат ва аудит учун ўрнатилади. Улар назорат тамойиллари ишлашининг асосини ташкил қиласди.

Илмий адабиётларда «назорат» тушунчалигининг бир нечта талқини ва хўжалик назорати муаммосига бир қанча ёндашувлар мавжуд. Ички хўжалик назоратини умумий тарзда таърифлашнинг мураккаблиги унинг шакл ва кўламларининг турли-туманлиги билан белгиланади.

Бинобарин, ички назоратнинг энг зарур даражасига эришиш учун, бизнингча, хўжалик субъектида қўйидаги асосий тамойил ва услублар мавжуд бўлиши керак:

самарали ташкилий тузилма;

ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби услублари;

активларни сақлашга оид услублар;

ички аудитнинг самарали дастури.

Ички назорат бошқарув функцияларидан бири сифатида корхона молиявий-хўжалик фаoliyatiini, унинг ички ишлаб чиқариш ва бошқа таркибий бўлинмаларини қузатиш ва текшириш тизимини ташкил этадики, бундан мақсад қабул қилинган қарорларнинг иқтисодий асосланганилиги, молиявий натижавийлиги ҳамда қонунийлигини объектив баҳолаш, шунингдек, бу қарорлар талабларидан офишларни аниқлаш, нокулай хўжалик вазиятларини бартараф этиш ва бу ҳақда корхона мулқдорлари, маъмурияти, бошқарув

кенгашини огоҳлантириш, унинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига хабар беришdir.

Ҳозирги вақтга келиб, кўп ҳолларда ички аудиторларнинг функциялари, ҳатто, ўз компанияси таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисботларини текшириш доирасидан ҳам четга чиқади. Ички аудиторлар корхонанинг иқтисодий сиёсати ва бошқарув масалаларида кўпроқ иштирок этмоқдалар. Ички аудиторлар юқори малакали мутахасислар бўлиб, ўз мақомига кўра катта ваколатларга эга.

Ички аудитнинг асосий мақсади ташқи аудитнинг мақсадига яқин бўлиб, ҳисботларнинг тўғрилигини текшириш билан боғлиқ. Лекин унда аудиторнинг бу борараги фикри билдириладиган ташқи аудитдан фарқли ўлароқ, ички аудитда ҳисботларнинг тўғрилигини тасдиқлаш зарур.

**Мавзуга оид адабиётлар шархи.** Ички назорат ва ички аудит хусусида иқтисодчи олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд бўлиб, бир тўхтамга келишилмаган. Чунончи, Ш.Илхамовнинг ёзишича, «Ички аудит бошқарув назоратнинг ажралмас ва муҳим элементи ҳисобланади. Йирик корхоналарда раҳбариятнинг юқори бўғини ташкилот фаолияти ва қуий раҳбарият тизими юзасидан кундалик назорат билан шуғулланмаслиги оқибатида ички аудитга эҳтиёж вужудга келади. Ички аудит айнан ушбу фаолият тўғрисида маълумот беради ва менежерлар ҳисботларининг ишончлилигини тасдиқлади. Ички аудитнинг кераклилиги, асосан, захиралар камомадининг олдини олиш ва корхона ичидаги керакли бўлган ўзгаришларни амалга оширишдан келиб чиқади» [1].

Ҳ.Н.Мусаевнинг фикрига кўра, «Ички аудит корхоналар фаoliyatiini манфаатдорларнинг буюртмасига асосан дахлсиз аудиторлар томо-

нидан текшириш ва асосли хулосалар беришdir. Ички аудитнинг мақсади корхонада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш, корхона ходимларининг ўз вазифалари тўлиқ бажарилишига яқиндан ёрдам беришдан иборат» [2].

Р.Дусмуродов эса: «Ички аудиторлар ўзлари ишлайдиган корхоналар фаолиятини текширади. Аммо улар, қоидага кўра, корхона маъмуряти (директорлар кенгаси) таркибига кирадилар» [3], – деб эътироф этади.

К.Б.Ахмеджанов, И.И.Якубов: «Ички аудит – бухгалтерия маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлашга ва корхонада самарали ички назорат тизимини ташкил этишга йўналтирилган фаолият» [4], – деб таъриф берадилар.

Н.Ф.Каримов эса: «Ички аудит корпоратив бошқарув, назорат ҳамда рискларни бошқариши баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга нисбатан тизимга солинган ва пухта ташкил этилган ёндашув орқали қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради», – [5] деган фикрни илгари суради.

Рус олими Р.А.Алборов: «Ички аудит – ташкилотда амалга ошириладиган ташкилот ишини унинг манфаатларини кўзлаб текшириш бўйича мустақил фаолият», – деб таъкидлайди [6]. С.И.Жминко ва бошқалар эса: «Ички аудит – ташкилот ичидан амалга ошириладиган ва компания менежерларида мавжуд назорат тизими ишончли ва самарали эканлигига ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган ташкилот фаолиятининг барча жиҳатларини мустақил баҳолаш функцияси» [7], – деган фикрни айтадилар.

Ички аудиторлар халқаро институти (АҚШ): «Ички аудит ташкилотга хатарларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларини баҳолаш ва улар самарадорлигини оширишга нисбатан изчил ёндашувдан фойдаланган ҳолда қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради», [8] деган фикрни эътироф этади.

Бизнинг фикримизча, мутахассислар томонидан ажратилган умумий белгилар ички аудит қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга, деб таъкидлаш имконини беради: 1) хўжалик субъекти ичida амалга ошириладиган мустақил фаолият; 2) хўжалик субъекти ишининг самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган фаолият.

**Тадқиқот методологияси.** Корпоратив бошқарувда ички назорат ва ички аудитни ташкил этиш тамойилларига оид назарий билимларнинг шаклланиш босқичларини тадқиқ қилиш жараёнида тизимли таҳлил, индукция-дедукция, комплекс баҳолаш, гурухлаш, мантикий ва таққослама таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ушбу илмий тадқиқот доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқларидан: фармсаноат, нефть ва газ саноати, банк

соҳаси, энергетика, қурилиш саноати, чакана савдо компанияларининг ички назорати тўғрисидаги қоидаларни таҳлил қилиш асосида ички назоратни ташкил этиш тамойиллари ўрганилди. Куйида ички назоратни ташкил этишнинг энг кўп умумий тамойилларига тўхталамиш:

1) давомийлик. Ички назорат ташкилот фаолияти билан боғлиқ хавфларнинг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида доимий равишда ишлайди, деб таҳмин қилинади.

Ички назоратни доимий равишда амалга ошириш операцияларни назорат тартиб-таомиллари билан бирга олиб боришни англатади, масалан, буюртма маълумотларига қабул қилиш-топшириш далолатномаси маълумотларини солишириш, яъни транзакцион назорат ёки маълум вақт оралиғини ўз ичига оладиган даврий назоратни амалга ошириш. Ички назоратнинг узлуксизлиги, шунингдек, ташкилотга муҳим хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва жавоб чораларини ишлаб чиқишига имкон берадиган даврийлик билан хавфларни баҳолаш билан боғлиқ.

Ушбу тамойилнинг аҳамияти шундаки, ички назорат фаолиятнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, агар назорат вақти-вақти билан амалга оширилса, бундай натижаларга эришиш мумкин эмас.

Шунингдек, назоратнинг узлуксизлиги аҳамияти компаниянинг замонавий динамик иқтисодиётда бозордаги мавқеи учун жуда муҳим бўлган ўзгарувчан фаолият шароитлари туфайли бизнес жараёнларини ўз вақтида янгилаш зарурати билан асосланади. Масалан, давлат кимёвий моддаларнинг рухсат этилган чиқиндилари миқдори бўйича стандартларни ўрнатди – бундай чиқиндиларни амалга оширувчи ташкилот қонун хужжатларини бузганлик учун жарималардан қочиши учун тартибга солишдаги ўзгаришларга тезда жавоб берадиган ички назорат тизими зарур;

2) жавобгарлик. Ички назорат самарадорлигининг энг муҳим шартларидан бири ташкилот фаолияти доирасида операцияларни амалга ошириш учун жавобгарликни, шу жумладан, ички назоратни амалга ошириш учун жавобгарликни белгилашdir. Умуман олганда, ташкилотнинг барча ходимлари ўзларининг расмий ваколатлари доирасида хавфларни аниқлаш ва камайтириш учун жавобгардир. Шунингдек, зарур назорат тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мажбурияти ички назоратнинг айрим субъектлари зиммасига юклатилади.

Ушбу тамойилга риоя қилишдаги қийинчилик компаниялар гурухлари учун ортиб бормоқда, чунки ходимлар ва бўлимларнинг кўплиги сабабли кимгадир тайинланган мажбурият-

ларнинг тақорланиши ёки йўқлиги, мавжуд ресурслар маълум бизнес жараёнларини марказлаштирилган бошқариш учун етарли бўлмаган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда кўплаб компаниялар ушбу муаммони назорат вазифаларини маҳаллий раҳбариятга ёки маҳсус қўмитага топшириш орқали ҳал қилишади. Шундай қилиб, Кузатув кенгаши ҳузурида фаолиятнинг энг муҳим масалалари билан шуғулланадиган алоҳида қўмиталар мавжуд бўлиб, бу ташкилотнинг муҳим хавф-хатарларини яхшироқ назорат қилиш имконини беради;

3) ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш. Ушбу тамойил алоҳида ташкилотлар учун ҳам, йирик корпоратив тузилмалар учун ҳам ички назорат тизимининг ишлаши учун асос бўлиб, назоратни амалга ошириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш вазифаларини тақсимлашни назарда тутади. Масалан, моддий жавобгар шахсни ушбу шахс жавобгар бўлган омборнинг инвентаризация комиссиясига киритиш кутилмайди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, назорат амаларини ишлаб чиқиш учун мастьул шахс назорат тузилишини баҳолашда иштирок этмаслиги керак.

Ушбу тамойилга риоя қилишнинг мақсади манфаатлар тўқнашувининг олдини олишdir, унинг таъсири остида ички назорат субъекти ички назорат мониторинги пайтида ундан кутилган объективликни кўрсатмаслиги мумкин.

Шу билан бирга, ушбу тамойилнинг ўрналиши ходимнинг ўзини ўзи текширишини тақиқлашни англатмайди: ушбу турдаги назорат амали ўтказилиши керак, аммо ушбу амал натижалари ушбу ходимни баҳолаш учун ҳисобга олинмаслиги керак;

4) интеграция ва комплекслик. Ички назорат тизими компаниянинг барча соҳаларини, бошқарувнинг барча даражаларидаги барча бизнес жараёнларини қамраб олиши керак. Ушбу тамойил қисман назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик тамойилига мос келади, бу барча даражадаги ходимларнинг ички назоратни амалга оширища иштирок этиш мажбуриятини белгилайди. Ички назоратни ташкил этишга комплекс ёндашувнинг аҳамияти кўп даражали бошқарув ва фаолиятни диверсификация қилиш билан ажralиб турадиган компаниялар гурухларида ортиб бормоқда. Вертикал интеграция-лашган холдингларда барча даражаларда ички назоратни амалга ошириш, айниқса, муҳимdir, бу ерда кейинги барча нарсалар битта қайта тақсимлашнинг самарадорлигига боғлик: масалан, агар қайта тақсимотлардан бирида асосий воситаларнинг ҳолатини назорат қилиш самарасиз бўлса, битта устахонанинг ишламай қолиши натижасида якуний маҳсулотни ишлаб чиқаришда кечикиш бўлиши мумкин, бу эса мижозлар

олдида шартнома мажбуриятларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Ушбу тамойил, шунингдек, ички назорат тизими ташкилотнинг корпоратив бошқарувининг ажралмас қисми эканлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув қарорларини қабул қилишда хатарларни баҳолаш, назорат амаллари ва ички назоратни мониторинг қилиш натижалари ҳисобга олиниши керак. Агар интеграция тамойилига риоя қилинмаса, ички назорат ишини самарали деб ҳисоблаш мумкин эмас: масалан, агар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишда баҳолаш учун ишлатилган тахминлар билан боғлик хатарлар ёки ҳисоб-китобларда юзага келиши мумкин бўлган хатони кўрсатадиган назорат амаллари натижалари ҳисобга олини маса, компания режанинг ҳақиқатдан четга чиқиши туфайли катта йўқотишларга дуч келиши мумкин;

5) услубий бирлик. Услубий базанинг бирлиги тамойили хўжалик юритувчи субъектнинг барча бўлинмалари ва ходимларининг фаолиятига ягона меъёрий-хукуқий база қўлланилишини англатади. Ушбу тамойилни амалда татбиқ этишнинг мисоли барча ходимлар учун мажбурий бўлган корпоратив хулқ-атвор кодекси ва бошқа сиёsatларни яратишдан иборат.

Корпоратив бошқарув учун ушбу тамойил, айниқса, долзарбdir, чунки турли бўлимлар ва минтақалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари туфайли ички назоратни маълум даражада бирлаштириш талаб этилади. Услубий муносабатларнинг бирлигини таъминлаш барча бўлимлар бўйича маълумотларни бирлаштиришга, шунингдек, назорат самарадорлигини таққослашга ва бузилишларнинг мумкин бўлган сабабларини аниқлашга имкон беради. Масалан, агар турли хил омборларда тайёр маҳсулотларнинг ҳолатини текшириш бир хил қоидаларга мувофиқ амалга оширилса, аниқланган яроқсиз захираларнинг энг юқори фоизига эга омборларни аниқлаш учун таҳлил қилиш мумкин. Ушбу таҳлил натижаларига кўра, маҳсулотга зарар етказиш сабабларини ўрганиш мумкин. Бундай таққослаш услубий базанинг бирлигисиз имконсиз бўлар эди, чунки баҳолаш натижаларига бошқа омиллар таъсир кўрсатиши мумкин эди: текширувчиларнинг малакаси, текшириш вақти ва шу кабилар;

6) хавфга асосланган ёндашув. Ҳар бир операцияга нисбатан барча даражаларда назоратни амалга ошириш учун ресурсларнинг этишмаслиги туфайли назорат субъектлари, айниқса, юқори раҳбарият фаолиятининг устуворлиги зарур. Ички назорат фаолиятини оптималлаштириш учун таваккалчиликка йўналтирилган ёндашув жорий этилади, унинг ҳаракати ташқи аудит тамойилига ўхшайди: назорат тадбирларини, би-

ринчи навбатда, ташкилот фаолиятига энг катта зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятнинг муҳим хавфларини камайтиришга йўналтириш.

Хавфга асосланган ёндашувга риоя қилиш шуни англатадики, ички назорат тизими ташкилот фаолияти билан боғлиқ муҳим хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва минималлаштиришга имкон берганда, самарали ҳисобланади.

Шунингдек, хавфга асосланган ёндашув ИНТ “хатарларни баҳолаш” компонентига эътибор қаратади ва ички назорат ишини корпоратив бошқарув билан боғлайди: ички назоратнинг вазифаси хатарларни баҳолашдир, шунда раҳбарият хавфларнинг умумийлигини ва унинг манфаатдор томонларнинг хавфга мувофиқлигини баҳолай олади;

7) мослашувчанлик ва ривожланиш. Ушбу тамойил ички назорат тизимидан корхонанинг ўзгарувчан шароитларига зудлик билан жавоб беришни, хусусан, янги операцияларга нисбатан ички назорат элементларини шакллантиришини талаб қиласди. Масалан, янги бизнес йўналишини очища ИНТда тегишли ўзгаришлар талаб қилинади: ташкилий тузилмани қуриш, самарадорликни баҳолаш сиёсатини яратиш, фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш, янги назорат тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиши.

Ички назоратни бизнеснинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларига мослаштириш зарурати ички назорат тизимининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун назоратнинг самарадорлиги доимий янгиланиш ва такомиллаштиришини талаб қиласди.

Шундай қилиб, ички назорат субъектларига назоратнинг долзарблигини баҳолаш, назоратни амалга оширишда илғор тажрибаларни излаш мажбурияти юклатилади. Корпоратив бошқарув нуқтаи назаридан ушбу тамойилга риоя қилиш қўшимча афзаликлар ва қийинчиликлар билан боғлиқ. Бир томондан, бўлинишлар бир-бирининг тажрибаси ва энг яхши ечимларидан ўрганишлари мумкин, бу эса такомиллаштириш жараёнини тезлаштиради, бошқа томондан, фаолиятни диверсификация қилиш, назоратда қўшимча ўзгаришларни талаб қиласдиган фаолиятнинг янги ёки кутилмаган янги жиҳатларининг кўпайиши билан боғлиқ;

8) оптималлик ва етарлилик. Ички назорат тизимининг аҳамиятига қарамай, унга фойда ва харажат нисбати тамойили ҳам таъсир қиласди. Назорат амалларининг ҳаддан ташқари тезлик билан тақрорланиши қоидабузарликлар юзага келишини ёки топмаслик хавfinи камайтиради, аммо уларни амалга ошириш учун харажатларнинг фойдадан ошиб кетиши сабабли бу ўринли бўлмаслиги мумкин. Масалан, корпоратив бошқарувда маблағларни сарфлаш билан боғлиқ

барча операциялар ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланиши керак. Ушбу амаллар маблағларни рухсатсиз сарфлаш хавфини камайтиради, аммо юқори бошқарув учун кўп вақт талаб этилади.

Шу билан бирга, назорат функциясига юкланган вазифалар бажарилишини таъминлаш учун назорат амаллари етарли бўлиши керак. Шундай қилиб, хавфни камайтириш ва ички назорат билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги боғлиқлик тенглигига эришиш мумкин;

9) амаллар ва натижаларни расмийлаштириш. Ушбу тамойил назорат амалларини ўтказиш ва текширув натижаларини хужжатлаштириш талабларини қайд этишини назарда тутади. Натижаларни расмийлаштиришнинг классик наунаси инвентаризация комиссияси ва моддий жавобгар шахснинг имзоси талаб қилинган ҳолда инвентаризация тугагандан сўнг инвентаризация рўйхатини тузишдир. Ушбу хужжат назорат амаллари фактини қайд этади, шунингдек, комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахснинг натижалар билан келишувини тасдиқлайди. Назорат ҳаракати натижалари асосида хужжатларни расмийлаштиришнинг аҳамияти аниқланган қоидабузарликни тузатиш, қоидабузарни жавобгарликка тортиш ва назорат қилиш жараёни тугаганлигини тасдиқлашдир.

Ички назоратни ташкил этиш тартибини расмийлаштириш зарурати, талаблар ходимлар учун зарур бўлган вақтда тўлиқ хатоларсиз шаклда мавжуд бўлиши билан боғлиқ.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, хужжатлар фойдаланувчилар тушуниши учун етарли бўлиши ва оптималлик тамойилига мос келадиган аҳамиятсиз элементларни ўз ичига олмаслиги керак.

Ички аудитга келсак, унинг асосий тамойиллари ички аудиторлар институти томонидан шакллантирилган:

1) ҳалоллик. Ички аудитор текширувлар натижасида аниқланган қоидабузарликларни, шунингдек, бизнес жараёнларидағи хавф ва камчиликларни яширмаслиги керак. Ҳалоллик тамойилига риоя қилмаслик кафолатлар берувчи мустақил орган сифатида ички аудитнинг ишончизлигини кўрсатади;

2) ишга лаёкат ва профессионал муносабат. Ушбу тамойил ички аудитордан корхонанинг ички назорати, хатарларни бошқариш ва корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун етарли малакага эга бўлишни ва ички қоидалар, ахлоқий қоидалар ва ички аудит стандартларига мувофиқликни талаб қиласди;

3) объективлик ва мустақиллик. Ички аудит бўйича халқаро профессионал стандартларга мувофиқ, “объективлик – ички аудитор-

ларга ўз ишларининг натижаларига ишончни ҳис қилишлари ва унинг сифати бўйича муросага йўл қўймасликлари учун вазифаларни холисона бажаришга имкон берадиган ақлий муносабат". Мустақиллик ички аудиторнинг ўз вазифаларни холисона бажариш қобилиятига таъсир қилиши мумкин бўлган шароитлардан озодликни англатади. Ушбу тамойилга риоя қилиш ички аудит учун жуда муҳим, чунки у ушбу хизматни бошқа ички назорат субъектларидан ажратиб туради. Масалан, кўпинча ходимнинг иши унинг менежери томонидан назорат қилинади: масалан, савдо бўлими бошлиғи бухгалтерия ҳисобида сотилган товарлар миқдорини акс эттирувчи савдо менежерини назорат қиласди. Бироқ савдо раҳбарининг мукофоти текширилаётган миқдорга боғлиқ бўлиши мумкин. Субъект ва назорат обьекти ўртасида келишмовчилик бўлса, адолатсиз ҳаракатлар содир бўлиши мумкин. Ички аудитнинг афзаллиги шундаки, ушбу хизмат текширилаётган бизнес жараёнини амалга оширишда бевосита иштирок этмайди. Ички аудитнинг назорат обьектларидан мустақиллиги ушбу хизматни тўғридан-тўғри корпоратив бошқарув учун маъсул шахсларга, масалан, тафтиш комиссиясига бўйсундириш ва ички аудиторга ушбу функцияни ташкилот ичидағи бошқа фаолият билан бирлаштиришни тақиқлаш орқали таъминланади;

4) ташкилот мақсадлари ва хатарлари стратегиясига мувофиқлиги. Ички аудит фаолияти самарали деб ҳисобланиши учун унинг иши унинг асосий манфаатдор томони – ташкилотнинг талаби билан боғлиқ бўлиши керак. Ушбу тамойилга риоя этилишини таъминлаш хавфни дастлабки баҳолаш асосида аудит режасини шакллантириш билан боғлиқ ва аудитор тегишли ижро этувчи органларнинг илтимосига биноан маслаҳатлашувларни амалга оширади;

5) тегишли мақом ва зарур ресурсларнинг мавжудлиги. Ушбу тамойилга риоя қилиш ички аудитор мустақиллигининг муҳим шартидир. Аудит ўтказиш учун етарли ваколатга эга бўлиш далилларни олишдаги чекловларни йўқ қиласди ва етарли ресурсларнинг мавжудлиги ички аудит хизматининг аудит обьектларидан молиявий мустақиллигини белгилайди;

6) ишни юқори сифатли бажариш ва доимий такомиллаштириш. Ички назорат билан бир қаторда ички аудит ҳам ташкилот фаолиятидаги ўзгаришларга мослашиши керак. Доимий такомиллаштириш ички аудит бўлими ходимларининг малакасини оширишни ҳам, хизматнинг иш жадвалини ўз вақтида янгилашни ҳам назарда тутади;

7) манфаатдор томонлар билан самарали муносабатларни ўрнатиш. Ички аудит ташкилот стратегияси, мақсад ва вазифаларига мувофиқ

ишилаши учун унинг манфаатдор томонлари билан алоқа ўрнатиш зарур. Ушбу тамойил юқори раҳбариятга аудит натижаларини етказиш учун тўғридан-тўғри киришни ва тегишли далилларни олиш жараёнини ўрнатиш учун аудиторлик субъектлари билан, шунингдек, бизнесжараён эгалари ва ички аудиторга маслаҳат сўраб мурожаат қилган бошқа шахслар билан ўзаро муносабатларни назарда тутади;

8) хавфга йўналтирилганлик. Ташқи ва ички аудитларнинг фаолияти доимий текширишни ўз ичига олмайди, аксинча хавфга энг кўп дуч келадиган соҳаларни аниқлашни ўз ичига олади. Шунингдек, аудит обьектларини аниқлашда ташқи ва ички аудиторлар масаланинг муҳимлигини ҳисобга олишади. Ташқи аудитор сингари жалб қилиш мақсадларини аниқлашда ички аудитор моддий хатолар, фирибгарлик, қонунчиликка риоя қилмаслик, амалларга риоя қилмаслик ва ҳоказолар хавфини олдиндан баҳолайди. Амалга оширилган баҳолаш амаллари натижаларига кўра батафсил таҳлилни талаб қиласиган соҳалар аниқланади ва аудит режасига киритилади;

9) тушуниш ва келажакка эътибор. Ташкилот учун ички аудитнинг аҳамияти нафақат мавжуд қоидабузарликларни аниқлашда, балки ички назорат, корпоратив бошқарув ва хатарларни бошқаришни такомиллаштириш учун ишлатилиши мумкин бўлган оптималлаштириш воситаларини топища ҳам муҳимдир. Шундай қилиб, ички аудитор бизнес жараёнларини стратегик нуқтаи назардан кўриб чиқиши шарт;

10) ташкилотнинг ривожланишига ҳисса кўшиш. Ички аудит нафақат аниқланган камчиликлар тўғрисида ҳисоботларни тайёрлаш, балки уларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича таклифларни шакллантиришни ҳам назарда тутади.

**Хулоса ва тақлифлар.** Юқорида тавсифланган маълумотларга асосланиб, ички назорат ва ички аудит тамойиллари назорат функциясинг умумлаштирилган мезонлари бўлиб, уни ташкил этиш учун батафсил талабларни англатмайди. Ушбу тамойилларга риоя қилишнинг етарлилиги ва ташкилотнинг ички назорати ва аудит раҳбариятнинг фикри бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, бир гуруҳ корхоналарда назорат функциясини ташкил этиш хусусиятларини таҳлил қилиш, ички назорат ва ички аудитнинг янги назорат вазифалари ва тамойилларига асосланиб, назоратни амалга оширишда маълум ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд деган хулоса келиш мумкин, хусусан:

1) назорат функциясини ташкил этишнинг турли даражалари ўртасидаги масъулиятни тақсимлаш;

2) алоқа каналлари ва гурух эҳтиёжларига жавоб берадиган ахборот тизимини яратиш зарурати;

3) манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва кўриб чиқиш;

4) самарадорлик тўғрисида фикр билдирадиган баҳолашни амалга ошириш, назорат қилиш;

5) ички назорат ва ички аудитнинг ўзаро таъсири, шунингдек, назорат функциясини яхшилаш учун ташқи аудиторлар билан алоқа қилиш;

6) ўзгарувчан муҳитда ички назорат ва ички аудит тамойилларига риоя қилиш зарурати.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ilhamov Sh.I. Audit. Darslik. 1-qism. – T.: IQTISODIYOT, 2018. – 332 b.
2. Мусаев Ҳ. Аудит. Дарслик. – Т., 2003.
3. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т., 2003.
4. Ахмаджонов К.Б, Якубов И.И. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2009.
5. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. Монография. – Т.: Fan, 2006.
6. Алборов Р.А. Аудит в организациях промышленности, торговли и АПК. – М.: Дело и Сервис, 2000.
7. Жминко С.И., Швирёва М. Внутренний аудит. – Ростов на-Дону: Феникс, 2008.
8. Институт внутренних аудиторов (The Institute of Internal Auditors), созданный в 1941г., является международной профессиональной ассоциацией внутренних аудиторов, объединяющей под своим началом 93 тыс. человек в 160 странах. Сайт в Интернете – [www.iiia-ru.ru](http://www.iiia-ru.ru).